

Куч-адолатда

Ал ила олам юзин обод қил

2020 йил
29 май,
жума
№ 16 (789)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

РАҚОБАТ – БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ҚАТЪИЙ ЎТИШ ЖАРАЁНИДА ПРИНЦИПАЛ МАСАЛА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 май куни иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлаш ва истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги устувор вазифалар муҳофазасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиёти билан алоқалари тобора ривожланиб бормоқда. Бу эса ички бозорда рақобат муҳитини таъминлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини оширишни талаб этади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон бозор иқтисодиётига қатъий ўтиши жараёнида рақобат масаласи принципи-

ал аҳамиятга эга эканини таъкидлади. — Мени ташвишлантирадиган масала шуки, корхоналаримиз ташқи рақобатга бардош бера оладими? Четдан товар кириб келса, юртимизда ишлаб чиқарилган худди шундай маҳсулот унга рақобатчи бўла оладими? Маҳаллий маҳсулотларнинг таннархини пайсаситирасак, хориждан ўзлари олиб кетишади, — деди Президент.

Бугунги кунда 31 та товарлар гуруҳи ва 82 турдаги хизматлар бозорига 245 та корхона монопол ҳолатда сақланиб қолмоқда. Лекин бир қатор йўналишларда рақобат муҳити шаклланиб бўлган 19 хил маҳсулот ва хизматлар бўйича 70 та корхона монополистлар респондентлар чикариш мумкин.

— Рақобат бўлмаса, сифат бўлмайди, нарх тушмайди. Замон ўзгаряпти, лекин монопол корхоналар ўзгара олмаяпти. Қатъий чоралар кўриш вақти-соати келди. Иқтисодиётда бу ҳаёт-мамолимиз. Агар раҳбарлар шунга муносиб бўлса, ишлайди, бўлмаса — кетади, — деди Президент.

Йиғилишда корхоналарнинг бозордаги монопол мавқени аниқлаш бўйича ёндашувларни қайта кўриб чиқиш, монопол товарлар рўйхатини кескин қисқартиришга қаратилган "йўл харитаси"ни тасдиқлаш вазифаси белги-

ланди. — Дунё тажрибасини ўрганиб, ўз йўлимизни топишимиз зарур. Монополиядан чиқариш, рақобатни таъминлаш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича яқдил йўналишимиз бўлиши керак, — деб таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Давлат иштирокидаги корхоналарда монополияга қарши комплаенс тизimini жорий этиш, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан барча раҳбарларни рақобат асослари ва комплаенс бўйича ўқитиш муҳимлиги таъкидланди.

(Давоми 2-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИНИНГ САЛБИЙ ТАЪСИРИНИ КАМАЙТИРИШ УЧУН ТУРИЗМ СОҲАСИНИ КЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Коронавирус пандемиясининг салбий таъсири оқибатида энг кўп зарар кўрган ва кўраётган туризм ҳамда унга бевосита боғлиқ бўлган тармоқларни қўллаб-қувватлаш, юз минглаб иш ўринлари ва малакали мутахассисларни сақлаб қолиш, уларнинг даромадларини ушлаб туриш, шунингдек, мамлакатда санитария-эпидемиологик вазият яхшиланишига қараб туризм соҳасини жадал қайта тиклаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасига коронавирустининг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссияси, жамоат ташкилотлари ва туризм соҳаси субъектларининг куйидаги тақлифларига розилик берилсин:

белгиланган санитария-гигиена меъёрлари ва талабларига қатъий риоя этган ҳолда 2020 йилнинг 1 июнидан "яшил" ва "сарик" тоифадаги худудларда ички туризмни қайта йўлга қўйиш билан биргаликда ёндош

ташкilotларнинг (туроператорлар, турагентликлар, жойлаштириш воситалари, маданият ва маданий мерос объектлари ҳамда бошқалар) фаолиятини бошлаш;

фуқароларига Ўзбекистон Республикасига киришга рухсат этиладиган мамлакатлар рўйхатини белгилаб олган ҳолда кириш туризмни босқичма-босқич қайта тиклаш.

2. Белгилансинки, туроператорлар, турагентлар, шунингдек, жойлаштириш воситалари учун:

2020 йил 1 июндан 31 декабрга қадар фойда солиғи ставкаси белгиланган ставкага нисбатан 50 фоизга камайтирилади;

2020 ва 2021 йил якунлари бўйича зарарларни Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига назарда тутилган миқдор билан чекламаган тарзда ўтказиш ҳуқуқи берилди;

2021 йил 1 январгача бўлган даврда туристик (меҳмонхона) йиғимини ҳисоблаш ва тўлаш тўхтатилади.

Жойлаштириш воситалари

рига алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун маҳаллий йиғимни тўлашни 2021 йил 1 январгача бўлган муддатга давлат солиқ хизмати органларини хабардор қилиш ва кейинчалик уларни 12 ой мобайнида тенг қисмларда тўлаш асосида фоизсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) ҳуқуқи тақдим этилади.

3. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Туризм ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблаглари ҳисобидан:

а) 2020 йил 1 июндан 31 декабрга қадар бўлган даврда куйидагиларга Инқирозга қарши курашиш республика комиссияси томонидан белгиланган мезонлар асосида 12 ой муддатга бир марталик мақсадли фоизсиз сусдалар ажратилиш шаклида; туроператорларга 2019 йилдаги ўртача ойлик иш ҳақи фондининг уч бараваридан ошмайдиган миқдорда;

жойлаштириш воситаларига ҳар бир ётоқ ўрни учун базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорини;

б) Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини ташкил этиш тартибига мувофиқ туризм соҳасидаги "стартап" лойиҳалар ва инновацион бизнес гояларни, шу жумладан, биринчи навбатда туристлар учун қулайликлар яратишга йўналтирилган ахборот дастурлари ва хизматларини умумий 1,5 миллиард сўм миқдорига қисман субсидиялаш орқали;

в) 2020 йил 1 июндан 2021 йил 31 декабрга қадар бўлган даврда республика худудларида (Тошкент шаҳри бундан мустасно) хорижий ошхона ёки алоҳида йўналиш бўйича ихтисослашган тематик оқватланиш шохобчалари, оқват ва озиқ-оқват маҳсулотларини етказиб бериш, шунингдек, сувенир маҳсулотларини етказиб бериш бўйича хизматларни ташкил этиш бўйича лойиҳа ташаббускорлари-

га лойиҳа қийматининг 30 фоизи, лекин ҳар бир лойиҳа учун 100 миллион сўмдан ортқ бўлмаган миқдорда грантлар ажратиш орқали;

г) 2020 йил 1 июндан 2021 йил 31 декабрга қадар бўлган даврда янги туризм маҳсулотлари ва йўналишларини ишлаб чиқиш ва тарғиб қилишга гидлар учун 5 миллион сўм, туроператорлар учун 10 миллион сўм миқдорига грантлар ажратиш орқали қўшимча кўмак кўрсатилади.

4. Давлат томонидан куйидаги қўшимча кўмак кўрсатилсин:

а) Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблаглари ҳисобидан куйидагиларни субсидиялаш; жойлаштириш воситаларини қуриш учун тижорат банклари томонидан аввал берилган кредитлар бўйича 2020 йил 1 мартдан 1 июнгача бўлган даврда туризм соҳаси субъектларининг фоиз харажатлари;

(Давоми 2-бетда) ▶

Янги ойнинг янгиликлари

2020 йил 1 июндан бошлаб миллий қонунчиликда қўйилган айрим ўзгаришларга эътиборингизни қаратамиз.

Биринчидан, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам олувчилар сони қўшимча 10 фоизга оширилади.

Ўзбекистон Президентининг "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида кўра, 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам олувчилар сони қўшимча 10 фоизга оширилади.

Иккинчидан, тадбиркорлик субъектларига нисбатан солиқ имтиёзлари кучга киради.

Президентимизнинг "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони билан 2020 йилнинг 1 июнидан бошлаб кичик тадбиркорлик субъектлари, бозорлар ва савдо комплекслари, кинотеатрлар, умумий оқватланиш шохобчалари, жамоат транспорти корхоналари, спорт-соғломлаштириш муассасалари, шунингдек, йўловчи ташиш, маиший хизматлар кўрсатиш, биноларни, шу жумладан, банкетлар ўтказиш учун ижарага бериш фаолияти



билан шуғулланувчи юридик шахслар мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлашдан озод қилинади.

Бу имтиёз 1 сентябргача бўлган давр учун амал қилади. Учундан, тиббиёт муассасаларида фитобарлар ташкил этилади.

Давлатимиз раҳбарининг "Ёввойи ҳолда ўсвучи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Соғлиқни сақлаш вазирлиғи томонидан тиббиёт муассасалари, шу жумладан, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ (овул) врачлик пунктларида фитобарлар ташкил этилади.

Тўртинчидан, импорт қилинадиган чилим учун тамакига акциз солиғи тўланади.

Президент қарори билан импорт қилинадиган қиздириладиган тамаки маҳсулотлари, чекиладиган, чайналадиган, хидланадиган, шимилладиган (снос), никотини тамакисиз снос, таркибда никотин мавжуд суюқликларга ҳам акциз солиғи киритилади.

(Давоми 3-бетда) ▶

Судьяликка янги тайинловлар амалга оширилди

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашида бир қатор номзодлар судьялик мuddати даврига ва янги воқолат мuddати даврига тайинланди. Шу мақсадда карантин қоидаларига тўлиқ риоя қилган ҳолда йиғилиш ўтказилди.

Хусусан, "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 63, 63¹, 63²-моддалари ва "Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида"ги қонуннинг 7, 17-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2020 йил 21 майдаги қарори билан куйидагилар:

Акмал Файзуллаевич Жонқобилов — судьялик лавозимида бўлишнинг навбатдаги ўн йиллик мuddатига Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судьяси лавозимига;

Бахрилло Салимович Жабборов — судьялик лавозимида бўлишнинг навбатдаги ўн йиллик мuddатига, беш йил мuddатга жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти Жондор тумани судининг раиси лавозимига;

Мансурбек Комилович Курбанов — судьялик лавозимида бўлишнинг навбатдаги ўн йиллик мuddатига Хоразм вилояти иқтисодий судининг судьяси лавозимига;

Ўқтамжон Зарифбаевич Машарифов — судьялик лавозимида бўлишнинг навбатдаги ўн йиллик мuddатига, беш йил мuddатга жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти Шовот тумани судининг раиси лавозимига;

Ҳасан Саматович Акбаров — судьялик лавозимида бўлишнинг навбатдаги ўн йиллик мuddатига жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Юқори Чирчиқ тумани судининг судьяси лавозимига тайинланди.

Шунингдек, Бахтиёр Тўйчиевич Фармонов — судьялик воқолатининг қолган мuddати даврига фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти судининг судьяси лавозимига;

Наврўз Эргашевич Ҳамроев — судьялик воқолатининг қолган мuddати даврига фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани судининг раиси лавозимига;

Шухрат Шавкатович Бакаев — судьялик воқолатининг қолган мuddати даврига жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани судининг раиси лавозимига қайта тайинланди.

Шу билан бирга Судьялар олий кенгашининг қарори билан 107 нафар номзод судьялик лавозимига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захирасига қабул қилинди.

Судьялар олий кенгаши оммавий ахборот воситалари билан алоқалар шўбаси

Янги қонун моҳияти

Давлат божи ставкалари оптималлаштирилди

бу уй-жой олди-сотдиси билан боғлиқ нотариал ҳаракатларга ҳам алоқадор



Олий Мажлис Сенатининг тўртинчи ялпи мажлисида "Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгариш ва қўшимчалар

кириштириш ҳақида"ги қонун маъқулланган эди.

Мазкур қонун шу йил 21 майдан кучга кирди.

(Давоми 3-бетда) ▶

Қонун ижодкорлиги

Янги тахрирдаги Фуқаролик кодекси:

кодекс лойиҳасидаги асосий янгиликлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган

Айни вақтда Президентимизнинг 2019 йил 5 апрелдаги фармойиши билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси асосида Ағлия вазирлиғи томонидан янги тахрирдаги Фуқаролик кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Шу ўринда Фуқаролик кодексини янгилашнинг зарурати нимада, деган савол туғилиши табиий. Маълумки, амалдаги Фуқаролик кодекси 1996 йилда қабул қилинган бўлиб, ўтган давр мобайнида катта ўзгаришларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишда муҳим роль ўйнади ва бозор иқтисодиёти ривожланишига ҳуқуқий замин яратиб берди.

Шу билан бирга, мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичи иқтисодиётни янада либераллаштиришни тақозо этаётган. Шу мақсадда иқтисодий муносабатларни тартибда солишда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк кафолатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, тадбиркорликнинг ривожлантириши рағбатлантириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш бўйича устувор вазифа-



лар белгилаб олинган.

Бошқача айтганда, бугунги кунда реал бозор иқтисодиёти ва илғор халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган, тўғридан-тўғри амал қиладиган замонавий фуқаролик кодексини ишлаб чиқиш давр талабидир.

(Давоми 3-бетда) ▶

"Ижтимоий фикр" республика

жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ушбу мавзуда телефон сўрови ўтказилди.

Мамлакатнинг барча минтақалари, шаҳар ва қишлоқлардан эркаклар ва аёллар, ёшлар ва катта авлод вакиллари иштирок этган сўровда ўзини изоляциялаш тартибининг оилавий ички ва шахслараро муносабатларга таъсири, эр-хотин, фарзандлар ва ота-оналарнинг ўзаро муносабатлари ўрганилиб, оилавий низоларнинг пайдо бўлиши ва кучайишига таъсир қилувчи омиллар аниқланди.

Телефон сўровида 50,2 фоиз ишти-

Ижтимоий сўров

Оила изоляциясида ўзаро муносабатлар ва масъулият доираси

рокчилар нуклеар, яъни ота-она ва уларнинг фарзандларидан иборат оилаларга эга экани аниқланди. 36,9 фоизи уч авлод вакиллари бирга яшайдиган оилаларда истикомат қилади, уларда эр-хотин, ота-она, болалар ва кекса авлод вакиллари — буви-боболар умумий ҳўжалик юритади. 6,4 фоиз респондентлар эса тўлиқсиз оилаларда яшайди. Оиласи

икки киши — эр ва хотиндан иборатлигини маълум қилган 3,6 фоиз сўров иштирокчилари асосан катта ёшдаги респондентлар бўлиб, уларнинг фарзандлари оила қуриб, ота-онасидан алоҳида яшайди.

Телефон сўрови ўзини изоляциялаш шароитида бўлган 37,8 фоиз оилада уйдаги мажбуриятларнинг қайта тақсимланиши юз берганлигини

кўрсатди. Респондентлар узоқ вақт уйдан чиқмаслик ҳолати уй ҳўжалигини юритиш ва болалар тарбиясида эркаклар иштироки ошганини таъкидлади. Уларнинг фикрича, ўзини изоляциялаш тартиби уларга болаларнинг таълим-тарбияси билан шуғулланиш, бўш вақтини улар билан биргаликда ўтказиши имкон берган.

(Давоми 2-бетда) ▶

